



O'ZBEKISTON OVOZI

Ифтихор

Хурлик карвонида одимлар шахдам

Президентимиз Ислам Каримовнинг Андижон вилоятига сафаридан кейинги ўйлар

■ Мустақиллик! Барчамиз учун азиз ва муқаддас бу сўз замирида халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўйи, юртимиз равнақи ва фаровонлиги, порлоқ истиқболимизни таъминлашдек олий мақсадлар мужассам. Эртанги кунга қатъий ишонч билан яшаётган юртдошларимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғулари тўлиб-тошмоқда. Йигирма йиллик истиқлол йўлимизга — мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бетақдор қиёфасига, янгидан бунёд этилган замонавий таълим ва тиббиёт муассасаларига, равон йўллару сўлим хиёбонларга, юртдошларимизнинг ҳаётидаги, онгу тафаккуридаги ўзгаришларга назар ташлар эканмиз, кўнглимиздан шу юрт фарзанди эканимиз, тинч ва фаровон дийрда яшаш ва меҳнат қилиш бахти насиб этганидан мамнунлик, шукроналик ҳислари кечади.

Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори маънавият соҳасига қаратилаётган юксак эътибор самарасида юртдошларимиз ўртасидаги меҳроқибат, маҳаллаларимиздаги тотувлик, аҳиллик каби чин инсоний муносабатлар кучайиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, одамларнинг турмуш шароити яхшиланиши соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, ёш авлодни кенг дунёқарашга эга, илм-маърифатли бўлиб вояга етиши учун замин яратмоқда.

Бу борада Андижон вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Азму шижоати баланд андижонликлар Ватанга муҳаббат, ишонч ва масъулият ҳисси билан олий мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Юртбошимиз шу йил 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Андижонга сафари чоғида вилоят аҳлининг турмуш шароити, аҳолининг кайфияти ва истаклари билан қизиқди. Андижон туманининг «Жортум» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Уриқзор маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган уйлари бориб кўрди.

Президентимизнинг маҳалламизга ташрифи, самимий тилаклари, бизга билдирган ишонч қалбимизга чексиз гурур бағишлади, — дейди маҳалла фаоли Шарифа Отабоева. — Маҳалла аҳли йиғилиб, Юртбошимизнинг кўрсатмалари асосида келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган ишларни белгилаб олдик. Асосий кўчамиз «Камолот» деб номланар экан, шунга муносиб тарзда ёшларимиз комил инсонлар бўлиб вояга етишлари, Президентимизнинг ишончини оқлаб, элга сидқидилдан меҳнат қиладиган фидойи инсонлар бўлиб етишишлари лозим. Фарзанд тарбиясига нафақат ота-она ёки таълим муассасалари, балки барчамиз — бутун маҳалла аҳли масъулмиз.

Маҳалладаги аксарият уйлар «Камолот ишонч Анд.» масъулият чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган.

Юртбошимиз билан учрашиш, амалга оширган камтарона ишларимизга юксак баҳо берилганига гувоҳ бўлиш мен учун катта шараф, — дейди жамият раҳбари Улуғбек Исомидинов. — Давлатимиз раҳбарининг эътибори биз, қурувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди, қатъий ишонч билан янада самарали меҳнат қилишга ундайди.

Президентимиз қарорига асосан вилоятдаги турар жой даҳаларининг инфратузилмасини

жадал ривожлантириш, халқнинг турмуш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар белгиланиб, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари, вилоятнинг барча туманларида ушбу қарор ижроси бўйича тизимли равишда ишлар ташкил этилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Андижон шаҳрининг Ўзбекистон, Бобур, Амир Темур, Навоий, Чўлпон, Истиқлол кўчалари таъмирланиб, бутунлай янги қиёфага эга бўлди. Ушбу кўчалар бўйида кўп қаватли кўркам бинолар қад ростлади. Тез вақт ичида 76 километрлик шаҳар кўчалари ҳар томонлама қулай ва замонавий, мустаҳкам коммуникация билан таъминланган йўللарга айланди.

Андижонликлар фарзандлари қўшимча хунар эгаллашлари учун уларни болалигидан устозлар қўлига беришади. Шунинг учун ҳам улғайиб, олий маълумотга эга бўлиб, турли соҳада меҳнат қиладиган кишилар орасида заргарлик, косиблик, новойлик, дурадгорлик, дўппидўзлик, тикувчилик, савдогарлик каби турли хунарларни эгаллаган кишилар кўп. Ўзбекистон кўчасида қурилган уй-жой бинолари ана шундай тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз яшашлари билан бирга, киши бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам мўлжалланган.

Президентимиз Ўзбекистон кўчасини кўздан кечириб экан, шаҳарнинг энг кўҳна худудида, асрлар оша ота-боболаридан мерос эски уйларда яшаб келган юртдошларимиз бугунги кун талабини тўғри англаб, шундай замонавий турар жойлар қурганидан кўнгли тўлганини билдирди. Юртбошимизнинг бу ишлар келажак авлодлар томонидан эътироф этилганда, меҳнат қилган фидойи инсонлар албатта эсга олинади, Андижонда амалга оширилган ишлар бошқа вилоятлар учун ўрнак бўлса арзийди, деган сўзлари андижонликларга юксак фахр-ифтихор, ғайрат ва шижоат бағишлади.

Шаҳрихон тумани — зиёлилар, хунармандлар, тадбиркорлар, уста дехқонлар юрти.

Юртбошимиз ташриф буюрган «Обод дийр илҳом» фермер хўжалиги раҳбари Аҳмадjon Раззоқов биз билан суҳбатда юз-кўзларидан ёғилиб турган мамнуниятни, ҳис-ҳаяжонини яшира олмади.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Муробек ЗИЕ олган сурат.

Жамият тараққиётида

сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДПнинг ўрни ва роли

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вазифалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда партия Марказий Кенгаши аъзолари, экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Тошкент шаҳар, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоят партия кенгашлари фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор ва ўқитувчилари қатнашиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сўзга чиққанлар ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш жараёнида аҳоли-

нинг кам таъминланган қатламини ҳимоя қилиш, кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Давра суҳбатининг иккинчи қисмида интерфаол усулда савол-жавоблар бўлди. Мавзу юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

(Ушбу тадбирнинг тўла тафсилоти газетамизнинг навбатдаги сонида ёрилади).

Гулрух ОДАШБЕОВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Парламент фаолияти

Давлат пенсия таъминоти

тўғрисидаги қонунчилик янада такомиллашади

■ ЎзХДП Марказий Кенгаши ва парламентдаги фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан «Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари» мавзусида семинар ўтказди.

Бу мавзуга эътибор қаратишимиз сабаби партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида унинг электорати бўлган пенсионерлар ва ногиронлар манфаатларига боғлиқ масалалар ўз ифодасини топгани билан изоҳланади. Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан бошланғич партия ташкилотлари фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси позицияси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси пайтида аниқ тақлифларни билдириш имконини берди.

— Давлат пенсия таъминоти тизимида бошланган ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқароларнинг

пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва уларни мақсадли сарфлаш, янги тартибдаги иш ҳақи коэффициентларини кўллаган ҳолда давлат пенсиялари миқдорини ҳисоблаш тартибини жорий этиш бўйича аниқ тақлифлар билдирилди, — дейди ЎзХДП фракцияси аъзоси, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Фахриддин Ражабов. — Шунингдек, фуқаролар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини шакллантиришга киритилган маблағлар ва белгиланаётган пенсия миқдори ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, адолат тамойилларини таъминлаш мақсадида мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида баҳс-мунозаралар бўлди.

(Давоми 2-бетда.)



Владимир ГОНЧАРЕНКО сурати.

Эътироф

Юртингизни жаннатманд деганларича бор экан. Табиати гўзал мамлакатингиз бозорларидаги тўкин-сочинлик кишида ҳайрат уйғотади, бу дийрда пишиб етилган олма, узум, шафтоли каби мевалар, қовун-тарвузларнинг таъми оғизда қолади.

— Хунармандларингизнинг сеҳрли қўллари билан яратилган буюмлар мени ўзига мафтун этди. Қўй терисидан тикилган бош кийимлар, оддий сопол ва ёғочдан ишланган турли буюмлар, ипакдан тўқилган бир-биридан гўзал ва бетақдор гилам ва гилам маҳсулотларини ноёб санъат асарлари, дейиш мумкин.

Қадимий Хива шаҳрига илк бор келишим. Бу ердаги Кўҳна арк, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ислам хўжа минораси ва бошқа ёдгорликлар менда катта таассурот қолдирди. Улар неча юз йиллар илгари қурилган бўлса-да, асл ҳолича сақланмоқда. Айни чоғда шаҳарнинг замонавий қиёфаси ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солади. Чунки тарихий обидалар билан замонавий биналар уйғунлашиб, бетақдор манзарани намойён этади».

Геай ЖЕНИС,
(Германия).

Спорт

Боксчиларимизнинг бронза медаллари

■ Айни кунларда Бокуда давом этаётган жаҳон чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Тўрт нафар боксчимизнинг чорак финалга йўлланма олиб, келаси йили Лондонда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритганлигини хабар қилгандик.

Афсуски, чорак финалда ҳам-юртларимиздан Орзубек Шоимов (56 кг), Фазлиддин Ғойибназаров (60 кг)лар ўз вазн тоифаларида рақиблирига имкониятни бой беришди. Яна икки нафар вақилимиз эса медаллар учун курашни давом эттиришди. Жумладан, ярим финал йўлланмаси учун кечган баҳсларда Жасурбек Латипов (52 кг) италиялик Винсензо Рикардини, Эшход Расулов (81 кг) эса эронлик Эҳсон Роузбахонини енгилган эди.

Кеча ўтган ярим финал жангларида Жасурбек Латипов уэльслик Андрей Сэлбийга, Эшход Расулов қозоғистонлик Адилбек Ниязимбетовга имкониятни бой берди.

Шундай қилиб боксчиларимиз иккита бронза медали билан чеklangанишди.

Глобал экологик муаммо

Роғун ГЭСи:

Таҳдидми ёки васвасами?!



«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Ифтихор

Хурлик карвонида одимлар шахдам

Президентимиз Ислон Каримовнинг Андижон вилоятига сафаридан кейинги ўйлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Президентимизнинг, фермер хўжалигини асл деҳқон, виждонли, ер билан тиллаша оладиган, ерга чин меҳр берадиган инсонлар бошқариши керак, деган сўзларидан биз ўзимизга катта хулоса чиқардик, — дейди Аҳмаджон ака.

ганмиз. Бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш билан бирга мева-сабзавотни қайта ишлаш минитехнологиялари сотиб олиб, салқин ичимликлар тайёрлаш цехини ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Буюк ва муқаддас Ўзбекистонда Хумо қушининг баланд умчоғи азиз, Мозий қатларидан асрий орзулар Юксалиб, самони кучмоғи азиз.

Ватан дея урған ҳар бир юракнинг Оҳидан яралган титроғи азиз, Шонли Мустақиллик солномасида Йигирма йил тизган саноғи азиз.

Ватанинг дардию, чеккан захмати, Бағрида ҳар қисим тупроғи азиз, Азиз, барчасидан оби раҳмати — Истиқлоли азиз, байроғи азиз.

Хурлик карвонида одимлар шахдам, Таплаган нурафшон ўз роҳи азиз, Халқ ила Ватанинг чин ишонч билан Сизу бизга тиккан нигоҳи азиз!

Хуршида ҚҮҶҚОРОВА, Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси Андижон вилояти бўлими раҳбари. (ЎЗА)

Спорт



19-23 октябрь кунлари Термиз шаҳрида кураш бўйича VIII жаҳон чемпиони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган X халқаро турнир бўлиб ўтади



Сурхон дунё полвонларини чорламоқда

Айни кунларда мазкур йирик анжуманга қизғин тайёрлик кўрилмоқда. Шаҳарнинг кенг ва раван йўллари, атрофдаги ранг-баранг гуллар, мевали ва манзарали дарахтлардан баҳру дилнинг очилади.



Мазкур мусобақаларга дунёнинг 50 га яқин мамлакатдан 300 га яқин полвон ҳамда 100 дан ортиқ мураббий, ҳакам ва меҳмонлар ташириб келинган.

спорт ишлари бўйича ўринбосари Эргаш Худойеров. — 22 октябрь кунини турнирнинг тантанали очилиши бўлиб ўтади.

Мазкур жаҳон чемпиони ҳамда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир кўркам ва мухташам «Сурхон» спорт мажмуасида ўтказилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионати «С» гуруҳи саралаш учрашвларининг голиблари мuddатидан илгари маълум бўлди.



Ўсмирларимиз — Осиё чемпионати финал босқичида!

Кеча Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси учинчи тур доирасида Баҳрайн футболчилари билан куч сынашди. Бунга Қирғизистон (7:0) ва Ҳиндистон (9:0) ўсмирлари билан кечган учрашувларда йирик ҳисобларда зафар кучган ҳамюртларимиз бу сафар ҳам ғалаба қозонишса, мuddатидан илгари қитъа чемпионати финал босқичига йўланмани нақд қилишарди.

кайфиятда тўп суришди. Дастлаб биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқасида Достонбек Ҳамдамов ҳисобни очди. Танафусдан сўнг вакилларимиздан Иброҳим Абдуллаев ғалабани мустаҳкамлади — 2:0.

Эркин ХОЛБОБОВ, Нодирхўжа ЙҮЛДОШЕВ олган сурат.

Қилмиш-қидирмиш

Ватанга хиёнат — энг офир гуноҳ

Ҳаётда инсон билиб-билмай йўлдан адашиши, жиноятга қўл уриши мумкин. Жиноятлар эса турлича бўлади: энгли, оғир...

Адашган, айбига икror бўлиб тавба-тазарру қилган одамни тушуниш, кечириб мумкин. Аммо ўзи тугилиб ўсган юртга, нон-туз берган халқига қарши қурол кўтарган кишининг жиний ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин, бундайларни қандай кечириб мумкин? Энг оғир гуноҳ, энг оғир жиноят ўз халқига, Ватанга хиёнат эмасми?

жага Тошкент шаҳридаги ички ишлар идораларида қанча шахсий таркиб борлиги, ушбу идораларнинг географик жойлашуви ҳақида маълумот тўплашни буоради.

мига ижарага олади. Қутилган меҳмон келгач, топшириққа асосан, бозорлик қилиб, унга олиб бориб беради. Бу қозғонлик ёлланма қотил Дулат Абдураимов эди.

га тўппонча ўқталиб, уни уловдан тушириб юборадилар. Тахминан 5 километр масофа босилгач, машинада бензин тугаб қолади. Кейин «Тик» хайдовчиси «хужум» қилиниб, айланма йўл орқали Тошкент шаҳрига келадилар.

лагерларда тайёргарликдан ўтган, сўнгра жиний қилмишлари туфайли Украинадан қочиб, 2008 йилда Қозғистоннинг Чимкент шаҳридан бошлана топган. Кейинчалик Ўзбекистонда жиҳодчилар гуруҳини тузиш ҳаракатини бошлаган ҳамда мамлакатимизга келиб, «Умар» лақаби билан ўзининг фарзли мақсадларини амалга оширишга киришган.

Шавкат Маҳмудов халқаро террорчилар билан алоқада бўлиб, Ўзбекистонда қўрурувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, мамлакатда Ислон давлати қуриш ва бунинг учун ҳукуматни жиҳод йўли билан эгаллашга ҳаракат қилган. У бошчилик қилган «Ислон жиҳоди» ташкилоти фаолияти чет элдоги манфур кучлар томонидан молиялаштириб турилган. Шавкат Маҳмудов имони суст, ёвузликка мойил, калтабин кимсаларни осонгина ўз тузогига яқинлаштириб келган. Абдиазимхўжа Якубов ҳам ана шулардан бири эди.

Болалар спорти

Кортда ёш теннисчилар

Бухоро шаҳридаги теннисга ихтисослашган 22-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамisha ўқувчи-ёшлар билан гавжум.

Олти теннис корти, тринажер заллари ва бошқа барча қулайликларга эга мазкур замонавий спорт масканида 350 нафардан зиёд ўғил-қиз 8 малакали мураббийдан маҳорат сирларини ўрганмоқда.

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ёш теннисчилар ўртасида ўтказилган республика очик турнири чинакам маҳорат баҳсига айланди. Унда мазкур мактаб тарбияланувчиси Гулнора Аҳмедова голибликни қўлга киритди.



Суратда: Бухоро шаҳридаги теннисга ихтисослашган 22-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Гулнора Аҳмедова. Тохир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

«ЗАМОНДОШ»

кредит уюшмаси аъзолари диққатига!

«ЗАМОНДОШ» кредит уюшмаси аъзоларининг 2011 йил 5 октябрда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан кредит уюшмаси ўз фаолиятини тугатаётганини маълум қилди.

Фаргона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 46-19-уй. Мурожаат учун телефонлар: 8-373 226-29-29, 8-595 400-42-02.

ОБ-ҲАВО 08-09.10. 2011

Table with 3 columns: Location, BUGUN, ЭРТАГА. Lists weather forecasts for various cities like Toshkent, Samarkand, Nukus, etc.

MUASSIS: Logo and contact information for the newspaper's editorial office.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- List of editorial board members: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muhlihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

BO'LIMLARI: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Ko'chibiyat.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T - Tijorat materiallari

Navbatchi: Dilshod NARZULLAYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2008-7633